

Маърузачи судья
раислик
М.Тургунова
Б.Каримов

Биринчи инстанция судида
қилган судья:

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ
А Ж Р И М И**

2022 йил 13 январь куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанция суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: З.Камолов, ҳайъат судьялари: С.Махаметов ва М.Тургуновадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ў.Кахаровнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиев, маҳкум У.Хакимов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат Д.Турсунова, маҳкум Н.Магамеджанов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат А.Алимкуловнинг иштирокида, Учтепа туман судининг

2021 йил 10 ноябрдаги ҳукмига кўра, судланган:

Магамеджанов Нодир Қодир ўғли (Magamedjanov Nodir Qodir o`g`li), 1994 йил 17 декабрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Янги Лабзак кўчаси, 34-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2021 йил 28 июндан буён қамоқда сақланаётган ва

Хакимов Умид Мирхайдарович (Xakimov Umid Mirxaydarovich), 1986 йил 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланган:



1) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 2015 йил 10 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “в” банди билан 10 йил 3 ойга озодликдан маҳрум қилиниб, 2012 йил 5 декабрь, 2013 йил 12 декабрь ва 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия актларига асосан жазо муддати қисқартирилган, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар судининг 2016 йил 10 ноябрдаги ажримига кўра, 2016 йил 12 октябрдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандига асосан жазони ўташдан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2018 йил 3 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан 1 йилга озодликдан маҳрум қилинган, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Косон туман судининг 2018 йил 16 августдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган жазо муддати 7 ой 17 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 2019 йил 18 апрель куни жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 1 ой 6 кун жазо муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган; вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Байроқ 3-тор кўчаси, 4-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2021 йил 28 июндан буён қамоқда сақланаётганга

нисбатан жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукм юзасидан маҳкум У.Хакимов томонидан келтирилган апелляция шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:



Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2021 йил 10 ноябрдаги ҳукмига кўра, Н.Магамеджанов ЖКнинг

273-моддаси 4-қисми билан айбли деб топилиб, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Н.Магамеджановга нисбатан жазони ўташ жойларида гиёҳвандликдан мажбурий равишда даволаниш чоралари белгиланган.

Мазкур ҳукм билан У.Хакимов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми билан айбли деб топилиб, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан У.Хакимов ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазони махсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Ашёвий далил: 2021 йил 5 майдаги 00365-сонли квитанцияга асосан Ўзбекистон Республикаси ДХХга топширилган 1,545 грамм “опий” гиёвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁵-моддаси 1-қисмида суд жиноят ишини апелляция тартибида кўришда апелляция шикоят, протести важлари билан чегараланмаслиги ва ишни барча маҳкумларга, шу жумладан апелляция шикоят бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят, протест берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текшириши кўрсатилганлиги сабабли, апелляция инстанцияси суди суд ҳукмини Н.Магамеджановга оид қисмини ҳам шикоят келтирилмаган бўлсада, мазмунан кўриб чиқишни лозим топади.

Бундан ташқари, мазкур жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этилган Лобачёв Василий Владимирович суднинг 2021 йил 7 сентябрь кундаги ажримига асосан жиноятни ақли норасо пайтда содир этган деб топилиб, унга нисбатан мажбурий даволаниш чоралари қўлланилган.

Суд ҳукмига кўра, Н.Магамеджанов таниши Хакимов Умид Мирхайдарович ва бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, бошқа шахс яшаб келаётган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 30-мавзе, 30-уйни 30-хонадонда кимёвий йўл билан гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаб, сўнг истеъмол қилиш мақсадида 2021 йил



4 март куни соат 12:15 ларда ўзи бошқарувидаги автомашинада таниши У.Хакимов билан Чилонзор туманида жойлашган “Қатортол савдо мажмуаси”га бориб, у ердан қора рангли кўкнор уруғлари, 1 та елим идишда “Растворитель 646”, 1 та шиша идишда “Аммиак”, 1 та шиша идишда “Кислота уксусная”, “Cotton Club” ёзувли оч кўк рангли тўртбурчак целафан ичида тиббиёт пахтаси, конвалиютада бўлган 10 дона “Димедрол-Remodi 50 mg” дори воситалари, 1 дона 10 мл. тиббиёт шприци ва 4 дона 20 мл. тиббиёт шприцлари сотиб олиб, уларни юқорида кўрсатилган хонадонга олиб келиб, хонадон ошхонасида ўзганинг мулки ҳисобланган оқ рангли темир тоғарачага юқорида номлари қайд этилган қора рангли кўкнори уруғлари, “Растворитель 646”, “Аммиак”, “Кислота уксусная” суюқликлари ва “Димедрол-Remodi 50 mg” дори воситаларини солиб, аралаштириб, сўнг газ плита устида қайнатиб мойсимон ҳолдаги “опий” гиёҳвандлик гиёҳвандлик воситасини тайёрлаганлар.

Шу куни тахминан соат 13:30 ларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖҚББ ва Учтепа тумани 2-сон ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қора дори-2021” тадбири давомида, Учтепа тумани, Чилонзор 30-даҳа, 30-уйнинг 35-хонадон холислар иштирокида кўздан кечирилганида, хонадон эгаси ҳамда шу хонадонга келганлар Н.Магамеджанов ва У.Хакимовга тегишли оқ темир идишда солинган докага солинган қора рангли кўкнор уруғлари, хўжалик мақсадларида ишлатиладиган сариқ рангли темир чўмич, тепа қисми қирқилган баклашка, 1 та елим баклашкада бўлган “Растворитель 646” ёзуви бўлган елим баклашка ичида тўқ жигарранг мойсимон ҳолдаги модда, 1 та шиша идишда “Аммиак”, 1 та шиша идишда “Кислота уксусная”, “Cotton Club” ёзувли оч кўк рангли тўртбурчак целафан ичида тиббиёт пахтаси, конвалиютада бўлган 10 дона “Димедрол-Remodi 50 mg” дори воситалари, 1 дона 10 мл. ишлатилган ва 4 дона 20 мл. целлофан пакетда қадоқланган тиббиёт шприцлари топилган ва ашё сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

2021 йил 5 мартдаги 247-сонли суд-кимёвий экспертизаси

1.1-рақамли, диаметри 26 см.ли оқ темир идишда докага солинган қора рангли, ўткир хидли, ушлаб кўрилганда қуруқ ҳолдаги вазни 599,61 граммни ташкил қилган ўсимлик уруғининг таркибида каннабинол ва каннабинол моддаларининг қолдиқ излари аниқланганлиги, гиёҳванд



воситалар ва психотроп моддалар мавжуд эмаслиги, қорамтир рангли майда буйраксимон шаклда бўлган устида мазайка чизиқлари мавжуд ўсимлик уруғлари ташқи кўринишидаги белгилари ва ботаник-морфология хусусиятларига кўра кўнори ўсимлиги уруғи ҳисобланиши, 2.2-рақамли, ташқи юзасида “Растворитель 646”ёзуви бўлган елим баклашкадаги ичида жигар рангли хажми 450 мл.ни ташкил қилган суюқликларнинг таркибида ленолик кислотаси, кодеин, морфин ва тебаин моддалари мавжуд бўлиб, ушбу суюқлик опий экстракти ҳисобланиши, ушбу хажми 450 мл.ни ташкил қилган опий экстрактини қуруқ ҳолдаги вазнини аниқлаш учун лаборатория шароитида, қум ҳаммомида парлантрилиши натижасида тўқ жигар рангли вазни 1,356 граммни ташкил қилган мойсимон ҳолдаги опий моддаси олинганлиги, 2.5-рақамли, қорамтир доғлар ва қора рангли, ўсимлик уруғларига ўхшаш уруғ доначалари мавжуд бўлган оқ рангли целлофан пакетдан олинган экстракт таркибида димедрол, кодеин ва морфин моддаларининг қолдиқ излари аниқланганлиги, 2.7-рақамли, этикеткасида “Димедрол - Remodi 50 mg” ёзувли конвалютадаги 10 дона оқ рангли таблеткаларнинг таркибида димедрол моддаси мавжудлиги аниқланганлиги, 2.8-рақамли, хажми 10 мл.ли бўш ҳолдаги тиббиёт шприцидан олинган экстракт таркибида димедрол моддасининг қолдиқ изи аниқланганлиги, 3.3-рақамли, этикеткасида “Спрей Золотая Звезда Ксилометазолин 15 мл. Спрей назальный 0,1 %” ёзувлари бўлган бўш ҳолдаги спрей идишидан олинган экстракт таркибида тропикамид моддасининг қолдиқ изи аниқланганлиги, 3.5-рақамли, доғ изи мавжуд бўлган бир дона оқ пахта бўлагидан олинган экстракт таркибида тропикамид моддасининг қолдиқ изи аниқланганлиги ҳақида хулоса берилган.

Маҳкум У.Ҳакимов апелляция шикоятда, дастлабки тергов ва туман суди томонидан жиноят иши бир томонлама олиб борилганлигини, қатор қонун нормаларини бузилганлигини, жиноятга алоқадорлик даражасига баҳо берилмаганлигини, унинг оилавий шароити, ижобий тавсифланишини инobatга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини қонуний ва адолатли кўриб чиқишни сўраган.

Апелляция инстанцияси иш бўйича судья М.Тургунованинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Х.Парпиевнинг суд



ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкум У.Ҳакимов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат Д.Турсунова, маҳкум Н.Магамеджанов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат А.Алимкуловнинг келтирилган шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, шикоятдаги вазларни жинойт иши ҳужжатлари асосида текшириб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, суд ҳукмини қуйидагиларга асосан ўзгартиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 28.04.2017 йилдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жинойт ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги

12-сонли Қарорининг 26-бандида **бангихонани ташкил қилиш** деганда, (ЖК 273-моддасининг тўртинчи қисми), уни тузишга қасддан қаратилган ҳаракатлар, масалан, турар-жой ёки нотурар-жой қидириш, сотиб олиш ёки ижарага олиш, уни таъмирлаш, ҳар хил ускуналар билан жиҳозлаш ишларини молиялаш ва кейинчалик бир неча шахс томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун фойдаланиш мақсадида содир этилган шунга ўхшаш ҳаракатлар тушунилиши лозимлиги, **бангихонани ташкил этиш жинойти уни тузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган** ҳисобланиши, **бангихона сақлаш** деганда, унинг ишлаб туришига қаратилган, яъни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш учун ажратилган ва (ёки) мослаштирилган жойдан мақсадли фойдаланиш, бинодан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш бўйича қасддан содир этилган ҳаракатлар (ижара ҳақини тўлаш, мижозлар қатновини тартибга солиш, кўриқлашни таъминлаш ва ҳ.к.) тушунилиши лозимлиги, Қонун мазмунига кўра, бангихона сақлаш жинойти фақат **бундай жойдан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун ҳақиқатда фойдаланилган бўлсагина, тугалланган ҳисобланиши**, бунда айбдор ғараз ёки бошқа мақсадни кўзлаганлиги аҳамият касб этмаслиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Бироқ, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди мажлисларида тўпланган далилларни муҳокама



қилиш давомида судланувчиларнинг бангхона ташкил этиш ёки сақлашда ифодаланган жиноий ҳаракатлари тўлиқ ўз исботини топмади.

Жумладан, биринчи инстанция суди мажлисида сўроқ қилинган Н.Магамеджанов ҳақиқатан ҳам “опий” гиёҳвандлик моддасини илгари умуман истеъмол қилмагани, бундан ташқари бошқа турдаги гиёҳвандлик ва психотроп моддаларини умуман истеъмол қилмагани, таниши У.Ҳакимовни 2008 йилда буён танишини, ўша вақтларда У.Хайдаров машина ҳайдаб кира қилгани, сўнг “Иzza металл” бозорида “Газ-24” русумли машинада темирлар ташиш билан шуғуллангани, Учтепа тумани, Чилонзор 30-мавзе, 30-уйнинг 35-хонадонида вақтинча яшаб келган “Дима” исмли йигитни 2019 йилдан буён танигани, сабаби у уни уйига келиб электр ишлари, сантехника ишлари ва боғбончилик ишлари бажаргани, лекин “Дима” вақтинча яшаб келган хонадонни асли эгаси ақли заиф бўлган Лобачев Василий Владимирович экани, у “Дима”ни машинасида ушбу уйгача олиб келганида, унга ушбу уйни 35-хонадонини кўрсатиб шу ерда вақтинча хонадон эгаси “Василий” билан яшашишни айтгани, лекин у бирон маротаба ҳам ушбу 35-хонадон ичкарасига кирмагани, кўчада ўз ишлари билан юрган вақтида бегона одамлардан суюлтирилган опий гиёҳвандлик моддасини қандай тайёрлашни эшитгани, кейинчалик у суюлтирилган “опий” гиёҳвандлик моддасини тайёрлаб, қўл томири орқали истеъмол қилмоқчи бўлгани, шу сабабли 2021 йил 4 март куни тахминан соат 12:15 да таниши У.Ҳакимовни уйига ишончнома билан бошқариб юрган оқ рангли, “Матиз” русумли, давлат рақами 01 X 516 YA бўлган машинасида боргани ва уни уйдан кўчага чақириб “Отам уйда ишлаётган эдилар, ёрдамчи керак эди, шу сабабли Чилонзор-30 мавзеда яшовчи Димани уйига бориб келайлик” деб айтганида, у бунга рози бўлгани, сўнг таниши Умид ака машинасини олди ўнг ўриндиғига ўтиргани ва у билан машинасида Чилонзор туманидаги “Қатортол савдо мажмуаси”га боргани, сўнг у таниши Умид акага 80.000 сўм пуллар бериб “Ака илтимос дўконга кириб бир шиша уксус, битта баклажкада растворитель, бир шиша аммиак, целлофандаги пахта ва мак уруғидан 250 грамм олиб чиқинг” деб айтгани, Умид ака ундан шу 80.000 сўм пулларни олиб савдо мажмуаси ичига кириб кетгани, орадан 10-15 дақиқадан сўнг Умид ака савдо мажмуасидаги дўкондан у айтган нарсалар сотиб олиб чиққани ва



машинасига келиб ўтиргани, сўнг “Дима” яшайдиган Учтепа тумани, Чилонзор-30 мавзедаги уйи томон машинасида кетгани, йўлда кета туриб машинасини Чилонзор туманидаги “Райхон миллий таомлар” қаршисидаги дорихона олдида тўхтатгани, сўнг машинасидан тушиб дорихонага кириб, дорихонадан “опий” моддасини истеъмол қилиши учун 4 дона 20 мл. тиббиёт шприцлари, 10 дона “Димедрол” таблеткалари сотиб олгани ва эгнидаги кўк рангли джинси шимини олди чап чўнтагига солиб қўйгани, бундан ташқари йўлда кела туриб у дўконга кириб 1 та 1,5 л. ҳажмли баклажкада газсиз сув ва 1 дона ёпган нон сотиб олгани, тахминан соат 12:50 ларда машинасида Умид ака билан Учтепа тумани, Чилонзор-30 мавзедаги 30-уйни олдига етиб борганлари, сўнг машинаси ичида бўлган қора рангли полиэтилен пакетда бўлган бир шиша уксус, битта баклажкада растворитель, бир шиша аммиак, целлофандаги пахта ва 250 грамм мак уруғларини олгани ва Умид ака билан 9-қаватли 30-уйни 5-қаватига лифт орқали чиққани, кейин эса у “Дима” вақтинча яшаган 30-уйни уйни 35-хонадонини кириш эшигини тақиллатгани ва кириш эшигини хонадон эгаси ақли заиф бўлган Лобачев Василий очгани, хонадон ичкарасига у таниши Умид ака билан бирга киргани ва хонадонни балконида бўлган ошхонага қўлидаги нарсалар билан ўтиб кетгани, Умид ака эса хонадон эгаси Василий билан меҳмонхонасида ўзаро гаплашиб қолгани, у бундан фойдаланиб Василийни хонадонидagi ошхонасида турган темир тоғорачасини олиб, газ плита устига қўйгани ва тагидан олов ёққани, шу темир тоғорача ичига ўзи билан олиб келган қора рангли мак уруғини солгани, устидан ўзи билан олиб келган баклажкада бўлган “Растворитель 646” суюқлигини солгани ва уни устидан ўзи билан олиб келган шиша идишда бўлган “Аммиак” суюқлигини солгани, орадан 5 дақиқа вақт ўтганидан сўнг темир тоғорача ичида бўлган мак уруғлари, “Растворитель 646” суюқлиги ва “Аммиак” суюқлиги қайнаб чиққани, кейин эса у шу темир тоғорачани газ плитаси устидан олиб ерга қўйгани ва устидан шиша идишда бўлган “уксус”ни қўйгани, буни кўрган таниши Умид ака унга қараб “Нима қилаяпсан?” деб сўраганида, у унга “Қўл томирим орқали истеъмол қилиш учун дори тайёрлаяпман” деб жавоб берганида, У.Хакимовни уришиб бериб “Бу қилаётган ишинг яхши нарса эмас, бу ишни қилмагин, бу нималигини мен яхши биламан” деган вақтида, ушбу хонадонга фуқаро киймида



бўлган бир неча йигитлар кириб келишгани ва хужжатларини кўрсатишиб Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖҚББ, Учтепа тумани 2-сон ИИБ ЖҚБ ва Учтепа тумани ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари эканликларини таништиришгани, ошхонадаги ерда турган темир тоғорачани ичидаги у томонидан тайёрланган суюқ моддани кўрган ИИО ФМБ ходимлари холислар иштирокида унга қараб “Бу нима модда ва ким тайёрлади?” деб сўраганларида, у уларга “Бу суюқ опий моддасидир, ўзим истеъмолим учун тайёрладим, шу суюқ опийни қўл томирим орқали истеъмол қилмоқчи эканлигимдан ёнимда турган танишим Умид ака ва хонадон эгаси Василийларни хабарлари йўқ эди” деб жавоб бергани, шу ерда Учтепа тумани 2-сон ИИБ ЖҚБ ходими холислар иштирокида у томонидан тайёрланган суюқ холдаги “опий” моддаси 1,5 л. хажмли баклажкада, темир тоғорача ичидаги қора рангли мак моддаси, 450 грамм шиша идишда бўлган “Аммиак” ёзувли суюқлик, 160 граммлик шиша идишда бўлган “уксус” ва 1 дона конвалютада бўлган 10 дона “Димедрол” дори воситалари, 1 дона сариқ рангли темир чўмич, 4 дона 20 грмамли ва 1 дона 20 граммлик тиббиёт шприцлари, целафан пакетда очиқ ҳолда бўлган пахта ва 1 дона 0,5 л. хажмли “Pepsi” ёзувли баклажкани олиб, қора рангли полиэтилен пакетга солгани ва оғзини боғлаб муҳрлагани, шу муҳр олдида у ва холислар имзо чекканлари, шу ерда ЖҚБ ходими холислар иштирокида нарсани олиб қўйиш баённомаси ёзгани, шу баённомани у ва холислар ўқиб чиқиб имзо чекканлари, сўнг у ва таниши Умид ака, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖҚББ, Учтепа тумани 2-сон ИИБ ЖҚБ ва Учтепа тумани ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари бирга пастга тушганлари ва 30-уйни йўлаги олдида турган, яъни уни бошқарувидаги оқ рангли, “Матиз” русумли, давлат рақами 01 X 516 YA бўлган машинани ИИО ФМБ ЖҚБ ходими холислар иштирокида кўздан кечирган вақтида, машинани олди чап ўриндиғи тагига солиб қўйилган қора рангли резина гиламча тагидан пичоқ, олдинги чап ва ўнг ўриндиқлар орасидаги бар ичидан 1 дона “Rinoksil” бурунга сепилладиган спрей суюқлиги ва бурунга сепилладиган “Спрей золотая звезда” ёзуви бўлган бўш ҳолдаги елим спрей идиши, фольга қоғозда “Зардекс” ёзувли капусаласи бўлмаган бўш ҳолдаги конвалюта бўлаклари ва бир дона оқ пахта бўлаги топилгани, буни кўрган 2-сон ИИБ ЖҚБ ходими “Бу пичоқ, ёнидаги дори ва дори идишлари кимга тегишли?” деб сўраганида, у унга “Бу



нарсалар менга тегишли” деб жавоб бергани, кейин эса шу ерда ЖКБ ходими нарсани олиб қўйиш баённомаси ёзгани, шу баённомани у ва холислар ўқиб чиқиб имзо чекканлари, сўнг ўз хоҳиши билан бўлган воқеа ҳақида тушунтириш хати ёзиб берганини айтиб кўрсатмалар берган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди мажлисида сўроқ қилинган У.Ҳакимов “опий” гиёҳвандлик моддасини 2012-2013 йилларда истеъмол қилгани, бошқа турдаги гиёҳвандлик ва психотроп моддаларини умуман истеъмол қилмагани, охирги маротаба 2018 йил февраль ойида “опий” моддасини истеъмол қилиши учун ўзи билан олиб юрганида, Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан қўлга олингани ва бунинг учун 2018 йил 3 апрель куни ЖИБ Шайхонтоҳур туман суди томонидан ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан судлангани, сўнг у шу кунгача бирон-бир гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларини умуман истеъмол қилмагани, таниши бўлмиш Магамеджанов Нодир Қодир ўғлини 2008 йилда буён таниши, 2021 йил 4 март куни у уйида бўлгани ва шу куни тахминан соат 12:15 да таниши Нодир ўзи бошқарувида бўлган оқ рангли, “Матиз” русумли, давлат рақами 01 X 516 YA машинасида уйига келгани ва унга “Отам уйда ишлаётган эдилар, ёрдамчи керак эди, шу сабабли Чилонзор-30 мавзеда яшовчи Димани уйига бориб келайлик” деб айтганида, уни вақти бўлгани учун бунга рози бўлгани, сўнг у Нодирни машинасини олди ўнг ўриндиғига ўтиргани, йўлда кета туриб Нодир унга “Ҳозир “Қатортол” бозори олдидан кетамиз, ишим бор” дегани учун у билан бирга машинасида Чилонзор туманидаги “Қатортол савдо мажмуаси”га боргани, сўнг Нодир унга машинаси ичида 80.000 сўм пуллар бериб “Ака илтимос дўконга кириб бир шиша уксус, битта баклажкада растворитель, бир шиша аммиак, целлофандаги пахта ва мак уруғидан 250 грамм олиб чиқинг, ман ўзим киромиман қарзим бор” деб айтганида, у ҳайрон бўлиб унга қараб “Бу нарсаларни нима қиласан?” деб сўраганида, у унга “Менга керак, ишингиз бўлмасин” дегани учун ёмон ҳаёлга бормай, “Қатортол савдо мажмуаси”даги хўжалик дўконига кириб Нодир айтган бир шиша уксус, битта баклажкада растворитель, бир шиша аммиак, целлофандаги пахта ва мак уруғидан 250 грамм сотиб олгани, сўнг шу нарсаларни қора рангли полиэтилен пакетга солиб кўчага чиққани ва машинада ўтирган Нодирга олиб бориб бергани, кейин эса яна уни машинасини олди ўриндиғига ўтиргани, шунда



Нодир таниши “Дима” яшайдиган Учтепа тумани, Члонзор-30 мавзедаги уйи томон машинасида кетганлари, йўлда кета туриб, Нодир машинасини Члонзор туманидаги “Райхон миллий таомлар” қаршисидаги дорихона олдида тўхтатгани, сўнг машинадан тушиб, дорихонага кириб, орадан 10 дақиқа ўтганидан сўнг кўчага чиққани, лекин у уни кўлида дорихонадан нима нарсалар сотиб олганини кўрмагани, бундан ташқари йўлда кела туриб Нодир машинасини озиқ-овқат дўкони олдида тўхтатгани ва шу дўконга кириб битта 1,5 л. хажмли баклажкада газсиз сув ва 1 дона ёпган нон олиб чиққани, тахминан соат 12:50 ларда Нодирни машинасида Учтепа тумани, Члонзор-30 мавзедаги 30-уйни олдида етиб борганлари, сўнг Нодир машинаси ичида бўлган қора рангли полиэтилен пакетда бўлган бир шиша уксус, битта баклажкада растворитель, бир шиша аммиак, целлофандаги пахта ва 250 грамм мак уруғларини олгани ва у билан бирга 9-қаватли 30-уйни 5-қаватига лифт орқали чиққанлари, кейин эса у таниши “Дима” вақтинча яшаган 30-уйни уйни 35-хонадонини кириш эшигини тақиллатгани ва кириш эшигини ҳозиргида унга маълум бўлган хонадон эгаси ақли заиф бўлган Лобачёв Василий Владимирович очгани, хонадон ичкарасига у таниши Нодир билан бирга киргани, сўнг Нодир хонадонни балконида бўлган ошхонага кўлидаги нарсалар билан ўтиб кетгани, у эса хонадон эгаси Василий хонадонини меҳмонхонасида ўзаро гаплашиб қолгани, бир неча вақтдан сўнг хонадонда ёқимсиз хид пайдо бўлгани, у ҳайрон бўлиб ўрнидан туриб хонадондаги ошхонага боргани, ошхонанани бетон ерига Нодир темир тоғорачада иссиқ ҳолда бўлган мак уруғини қайнатилган ҳолда қўйганини кўргани, у буни кўриб Нодирга қараб “Нима қилаяпсан?” деб сўраганида, у унга “Кўл томирим орқали истеъмол қилиш учун дори тайёрлаяпман” деб жавоб берганида, у уни уришиб бергани ва унга “Бу қилаётган ишинг яхши нарса эмас, бу ишни қилмагин, бу нималигини мен яхши биламан” деган вақтида, ушбу хонадонга фуқаро киймида бўлган бир неча йигитлар кириб келишгани ва ҳужжатларини кўрсатишиб Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖҚББ, Учтепа тумани 2-сон ИИБ ЖҚБ ва Учтепа тумани ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари эканликларини таништиришгани, ошхонадаги ерда турган темир тоғорачани ичидаги Нодир томонидан тайёрланган суюқ моддани кўрган ИИО ФМБ ходимлари холислар иштирокида Нодирга қараб “Бу нима модда ва ким



тайёрлади?” деб сўраганларида, у уларга “Бу суюқ опий моддасидир, ўзим истеъмолим учун тайёрладим, шу суюқ опийни кўл томирим орқали истеъмол қилмоқчи эканлигимдан ёнимда турган танишим Умид ака ва хонадон эгаси Василийларни хабарлари йўқ эди” деб жавоб бергани, шу ерда Учтепа тумани 2-сон ИИБ ЖҚБ ходими холислар иштирокида Нодир томонидан тайёрланган суюқ холдаги “опий” моддаси 1,5 л. хажмли баклажкада, темир тоғорача ичидаги қора рангли мак моддаси, 450 грамм шиша идишда бўлган “аммиак” ёзувли суюқлик, 160 граммлик шиша идишда бўлган “уксус” ва 1 дона конвалютада бўлган 10 дона “Димедрол” дори воситалари, 1 дона сариқ рангли темир чўмич, 4 дона 20 мл. ва 1 дона 10 мл. тиббиёт шприцлари, целлофан пакетда очик ҳолда бўлган пахта ва 1 дона 0,5 л. хажмли “Pepsi” ёзувли баклажкани олиб, қора рангли полиэтилен пакетга солгани ва оғзини боғлаб муҳрлагани, шу муҳр олдига Нодир ва холислар имзо чекканлари, шу ерда ЖҚБ ходими холислар иштирокида нарсани олиб қўйиш баённомаси ёзгани, шу баённомани Нодир ва холислар ўқиб чиқиб имзо чекканлари, сўнг у ва таниши Нодир, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖҚББ, Учтепа тумани 2-сон ИИБ ЖҚБ ва Учтепа тумани ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари бирга пастга тушганлари ва 30-уйни йўлаги олдида турган, яъни Нодирни бошқарувидаги оқ рангли, “Матиз” русумли, давлат рақами 01 X 516 YA машинасини ИИО ФМБ ЖҚБ ходими холислар иштирокида кўздан кечирган вақтида, машинасини олди чап ўриндиғи тагига солиб қўйилган қора рангли резина гиламча тагидан пичоқ, олдинги чап ва ўнг ўриндиқлар орасидаги бар ичидан 1 дона “Rinoksil” бурунга сепиладиган спрей суюқлик ва бурунга сепиладиган “Спрей золотая звезда” ёзуви бўлган бўш холдаги елим спрей идиши, фольга қоғозда “Зардекс” ёзувли капусалси бўлмаган бўш холдаги конвалюта бўлаклари ва бир дона оқ пахта бўлаклари топилгани, буни кўрган 2-сон ИИБ ЖҚБ ходими “Бу пичоқ, ёнидаги дори ва дори идишлари кимга тегишли?” деб сўраганида, Нодир унга “Бу нарсалар менга тегишли” деб жавоб бергани, кейин эса шу ерда ЖҚБ ходими нарсани олиб қўйиш баённомаси ёзгани, шу баённомани Нодир ва холислар ўқиб чиқиб имзо чекканлари, сўнг ўз хоҳиши билан бўлган воқеа ҳақида тушунтириш хати ёзиб берганини айтиб кўрсатмалар берган.



Жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки тергов томонидан тўпланган далилларни ўрганиб чиқиш жараёнида ҳам Н.Магамеджанов ёки У.Хакимовни гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилганлиги ҳолатини тасдиқловчи бирорта фактик маълумотлар аниқланмади.

Бундан ташқари, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиш давомида Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 30-мавзе, 30-уй 35-хонадон 23.11.2015 йилдаги квартирани олди-сотди шартномасига асосан Комилов Камолиддин Мурод ўғлига тегишли эканлиги, бироқ бу уйда В.Лобачёв яшаб келганлиги аниқланди.

Бундай ҳолатда, апелляция инстанцияси суди Н.Магамеджанов ва У.Хакимов томонидан бангхона ташкил этиш ёки сақлашда ифодаланган хатти-ҳаракатлари тўлиқ ўз исботини топмаган деб ҳисоблаб, судланувчи **Н.Магамеджанов**нинг гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлашда ифодаланган хатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 274-моддаси 4-қисмидан ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни, судланувчи **У.Хакимов**нинг илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлашда ифодаланган хатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 274-моддаси 4-қисмидан ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Апелляция инстанция суди судланувчи Н.Магамеджановга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазонинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари, яъни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, жиноятларни ғараз ниятларда содир қилганлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, ЖКнинг 276-моддаси



1-қисмида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, апелляция инстанция суди судланувчи У.Хақимовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазонинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари, яъни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, унинг шахсини, муқаддам судланганлигини, жиноятларни ғараз ниятларда содир қилганлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб, ЖКнинг 276-моддаси 2-қисмида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁸, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанция суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2021 йил

10 ноябрдаги **Магамеджанов Нодир Қодир ўғли** (Magamedjanov Nodir Qodir o`g`li) ва **Хақимов Умид Мирхайдарович** (Xakimov Umid Mirxaydarovich)га оид ҳукми ўзгартирилсин.

Магамеджанов Нодир Қодир ўғлининг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 4-қисмидан ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

Н.Магамеджановга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Н.Магамеджановнинг 28.06.2021 йилдан 13.01.2022 йилга қадар қамоқда ўтирган 200 (икки юз) куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 (уч) кунига тенглаштириб, яъни 1 (бир) йил 7 (етти) ой 25 (йигирма беш) кун жазоси ўталган деб ҳисоблаб, узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 4 (тўрт) ой 5 (беш) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросининг назорати Н.Магамеджановнинг яшаш жойи бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИБ зиммасига юклатилиб, жазо умумий асосларда шу турдаги жазоларни ижросини таъминловчи бўлим томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Н.Магамеджановга нисбатан яшаш жойларида гиёҳвандликдан мажбурий равишда даволаниш чоралари белгилансин.

Н.Магамеджановга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд мажлиси залидан қамоқдан озод этилсин.

Ҳакимов Умид Мирхайдаровичнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 4-қисмидан ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” бандига қайта квалификация қилинсин.

У.Ҳакимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган апелляция шикоят қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶-моддаси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: /имзо/
З.Камолов

Ҳайъат судьялари: /имзо/
С.Махаметов

/имзо/
М.Тургунова



Аслига тўғри:
Маърузачи: Тургунова Мухтарама Махамадалиевна



Хужжат имзоланган: Тургунова Мухтарама Махамадалиевна, 13.01.2022

